

“KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” AJ
навбатдан ташқари акциядорлар умумий
йиғилишининг 2016 йил 10 декабрьдаги
2-сонли йиғилиш қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
ривожлантириш марказида
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Йиғилиш раиси

Бош директор

_____ А. Камалов

_____ Б. Атаханов

«23» декабрь 2016й. № P0061-15

м.ў.

м.ў.

**АКЦИЯЛАРНИНГ ЯНГИ ЧИҚАРИЛИШИ
ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОП
“KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati**

Идентификация рақами берилди:

Хужжатсиз эгасининг номи ёзилган оддий акциялар	R	U	1	1	5	P	0	0	6	1	W	3
Хужжатсиз эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар	R	U	2	1	5	P	0	0	6	1	W	1

**Хужжатсиз эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони 29 922 300 940 (йигирма
тўққиз миллиард тўққиз юз йигирма икки миллион уч юз минг тўққиз юз қирқ) дона
ва хужжатсиз эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони 8 180 000 (саккиз
миллион бир юз саксон минг) дона номинал қиймати 1 (бир) сўм**

(акциялар тури ва сони, уларни чиқариши шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

**Ушбу чиқарилув акциялари акциядорлар ўргасида ёпиқ обуна бўйича, аввал
чиқарилган акцияларни 1/1636 коэффиценти билан майдалаш, орқали
жойлаштирилади.**

(акцияларни жойлаштириши усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши 15 - чиқарилишдир

(чиқарилишининг тартиб рақами)

"KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" AJ акциядорларнинг 2016 йил 10 декабрьдаги
навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2-сонли йиғилиш баёни билан, "KAFOLAT
sug'urta kompaniyasi" AJ акциядорларнинг 2016 йил 10 декабрьдаги навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг 2-сонли йиғилиш қарорига асосан тасдиқланган.

Эмитентнинг жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани, Мустақиллик майдони, 5.

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100017 Тошкент шаҳри, Юнусобод
тумани, Мустақиллик майдони, 5.

Мулоқот телефони: 239-43-20

Электрон почта манзили: info@kafolat.uz

Бошқарув раиси _____ **С.С.Насретдинов**

Бош бухгалтер _____ **А.Ирматов**

«13» декабрь 2016й.

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли) – оддий ва имтиёзли эгасининг номи ёзилган акциялар;

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли – хужжатсиз;

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм) - 1 (бир) сўм;

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона) – умумий сони 29 930 480 940 дона, бундан 29 922 300 940 дона оддий эгасининг номи ёзилган ва 1 180 000 дона имтиёзли эгасининг номи ёзилган;

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм) - 29 930 480 940 (йигирма тўққиз миллиард тўққиз юз ўттиз миллион тўрт юз саксон минг тўққиз юз қирқ) сўм;

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Компания акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- уларни компания акциядорлари реестрига киритиш;
- ўзига керакли бўлган депо ҳисобварағидан қўчирма олиш;
- компания соф фойдасининг бир қисмини дивиденд кўринишида олиш;
- компания тугатилганида ўзига тегишли бўлган улуш миқдорида мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш орқали компанияни бошқаришда иштирок этиш;
- компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича тўлиқ ва ишончли ахборотларни белгиланган тартибда олиш;
- олинган дивидендларни эркин бошқариш;
- ваколатли давлат ташкилотларида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- унга етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплашни талаб қилиши;
- ўзининг манфаатларини тақдим этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида ассоциацияларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
- зарар билан боғлиқ бўлган хатарларни суғурталаш, шу жумладан қимматли қоғозларни сотиб олишда йўл қўйилган хатолар;

Компания акциядорлари қонунчиликда ва компания уставида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар – компания уставида ушбу чиқарилишга чеклашлар мавжуд эмас. Ушбу чиқарилиш акциялари ёпиқ обуна бўйича акциядорлар ўртасида, аввал чиқарилган юқори номинал қийматилик акцияларни камайтирилган номинал қийматилик акцияларга айирбошлаш йўли билан жойлаштирилади

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм) - 29 930 480 940 сум;

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

- 18 289 915 дона хужжатсиз эгасининг номи ёзилган оддий акция;

- 5 000 дона хужжатсиз эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади) – компания томонидан корпоратив облигациялар муомалага чиқарилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна) – Ушбу чиқарилиш акциялари ёпиқ обуна бўйича акциядорлар ўртасида, аввал

чиқарилган юқори номинал қийматилик акцияларни камайтирилган номинал қийматилик акцияларга айирбошлаш қилиш йўли билан жойлаштирилади

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати – Акцияларнинг айирбошлаш янги чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 15 календар кунидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштириш бошланадиган сана – акция чиқаришни давлат рўйхатига олинган сана.

Акцияларни жойлаштириш тугайдиган сана - янги чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 15 календарь кунидан кечиктирмасдан.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби – Янги чиқарилиш акциялари жойлаштирилиши ёпиқ обуна бўйича акциядорлар ўртасида, аввал чиқарилган юқори 1636 сўм номинал қийматилик акцияларни камайтирилган 1 сўм номинал қийматилик акцияларга (1/1636 мутаносиблик билан майдалаш) айирбошлаш йўли билан амалга оширилади ва битимлар тузиш назарда тутилмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Тўлиқ номи:	Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат ташкилоти
Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	Давлат ташкилоти
Жойлашган жойи:	100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй
Телефони, факс:	236-14-34; 233-13-57

Рўйхатга олувчи инвестицион воситачилар тўғрисида маълумот

1	Тўлиқ номи:	«Mulk-Sarmoya Brokerlik Uyi» aksiyadorlik jamiyati
	Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	акциядорлик жамияти
	Жойлашган жойи:	100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй
	Телефони:	236-77-92; 232-10-45

2	Тўлиқ номи:	«BIRINCHI BANKLARARO DEPOZITARIY» mas'uliyati cheklangan jamiyati
	Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	масъулияти чекланган жамият
	Жойлашган жойи:	100047, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 15-уй
	Телефони:	233-29-07; 233-06-52

3	Тўлиқ номи:	«TAT-REESTR» mas'uliyati cheklangan jamiyati
	Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	масъулияти чекланган жамият
	Жойлашган жойи:	100047, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 1-уй
	Телефони:	232-01-45

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби –

Ушбу чиқарилиш акциялари жойлаштирилиши аввал чиқарилган юқори номинал қийматилик акцияларни камайтирилган номинал қийматилик акцияларга айирбошлаш йўли билан амалга оширилиши сабабли жойлаштирилаётган акцияларни олишга доир имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш назарда тутилмайди.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби – акциялар номинал қиймати миқдорида жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби –

Янги акцияларни чиқарилиши майдалаш йўли билан амалга оширилиши сабабли акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби назарда тутилмайди.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби –

Янги акцияларни чиқарилиши майдалаш йўли билан амалга оширилиши сабабли акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби назарда тутилмайди.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошқор қилиш тартиби – янги акция чиқарилиш тўғрисидаги қарорнинг асл ва нусхаси билан танишиш ҳамда мазкур чиқариш бўйича керакли маълумотларни "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖ нинг 100017, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мустақиллик майдон, 5-уй манзилида жойлашган маъмурий биносидан олиш мумкин.

Янги акцияларни чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖ янги акциялар чиқарилиши тартиби ва муддати тўғрисида ахборотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ корпоратив ахборотлар Ягона порталида (www.openinfo.uz), "Тошкент" Республика фонд биржаси АЖнинг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz), ҳамда компаниянинг расмий веб-сайтида www.info@kafolat.uz ошқор қилинади.

13. Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа маълумотлар: мавжуд эмас.